

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1425-ҳадис**

1425 - وَعَنْ أَبِي مَسْعُودٍ الْبَدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَتَانَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَنَحْنُ فِي مَجْلِسِ سَعْدِ بْنِ عُبَادَةَ، فَقَالَ لَهُ بَشِيرُ بْنُ سَعْدٍ: أَمَرَنَا اللَّهُ تَعَالَى أَنْ نُصَلِّيَ عَلَيْكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَكَيْفَ نُصَلِّيَ عَلَيْكَ؟ فَسَكَتَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، حَتَّى تَمَنَيْنَا أَنَّهُ لَمْ يَسْأَلْهُ، ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: قُولُوا: «اللَّهُمَّ؛ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ، وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ، وَبَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ، وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا بَارَكْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ، وَالسَّلَامُ كَمَا قَدْ عَلِمْتُمْ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [405].

1425. Абу Масъуд ал-Бадрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Саъд ибн Убода билан ўтирган эдик, олдимизга Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам келдилар. Шунда Башир ибн Саъд: «Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳ таоло сизга салавот айтишимизни буюрди, сизга қандай салавот айтамиз?» деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам жим қолдилар. «Кошки шуни сўрамаса эди», деб ўйлаб қолдик. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳумма, солли ʔалаа Муҳаммадин ва ʔалаа аали Муҳаммадин, камаа соллайта ʔалаа Иброҳиима ва баарик ʔалаа Муҳаммадин ва ʔалаа аали Муҳаммадин, камаа баарокта ʔалаа аали Иброҳиима, иннака Ҳамидун Мажиид», деб айтинглар. Салом эса ўзларингиз билиб олганингиздек».

* Маъноси: «Аллоҳим, Иброҳимнинг оиласига ёрлақаганингдек, Муҳаммадга ҳамда Муҳаммаднинг оиласини ёрлақагин. Иброҳимнинг оиласига барака берганингдек, Муҳаммадга ва унинг оиласига ҳам барака бергин. Албатта, Сен мақтовга лойиқсан, улуғворсан».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Бошқа ҳадисда қуйидагича келган:

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг орқаларида намозда туриб, «ас-Саламу алаллоҳи, ас-Саламу ала фуланин», дер эдик. Бир кун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга:

«Албатта, Аллоҳнинг Ўзи саломдир. Бас, қачон бирингиз намозда ўтирса:

«Ат-Таҳияту лиллаҳи вас-Солавату ват-Тоййибат. Ас-Саламу алайка айюҳан набийю ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ. ас-Саламу алайна ва ала ибодиллаҳис солиҳийн», десин, агар шуни айтса, Аллоҳнинг осмону ердаги ҳар бир бандасига айтган бўлади.

«Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва Росулуҳ» десин. Сўнгра нимани хоҳласа, шуни сўрашни ихтиёр қилсин», дедилар». (Имом Бухорий, Муслим ва Абу Довудлар ривоят қилишган).

Бу ривоятдан кўриниб турибдики, намоз янги ўқила бошлаган пайтда кишилар, Аллоҳга салом, фалончига салом, пистончига салом, дейишган. Баъзи ривоятларда келишича, Жаброилга салом, Микоилга салом, дейишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳолатни тўғрилашга қарор қилиб деганлар.

«Албатта, Аллоҳнинг Ўзи саломдир»

Унга салом беришнинг кераги йўқ.

«Бас, қачон бирингиз намозда ўлтирса...»

Яъни, ташаҳҳудга ўтирса, деб мазкур сийғани айтганлар. Бу сийға аввалгисидан биров фарқ қилади, холос. Шунинг учун уни таржима қилиб ўтирмаймиз.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Агар шуни айтса, Аллоҳнинг осмону ердаги ҳамма бандасига айтган бўлади» деганлари, ташаҳҳудда «Ас-Саламу алайка ва ала ибадиллаҳис солиҳийн» – «Бизга ва Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин» деганида, салом осмондаги ва ердаги ҳамма бандаларга етади, фалончига салом, пистончига салом, деб номини айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деганлари бўлади.

Жумхур уламолар жумладан, ҳанафий мазҳабида ташахҳудда ушбу сийғани ўқиш қабул қилинган. Сийғаларнинг ҳар хил келиши ҳам кенглик ва хилма-хиллик аломатидир. Бу эса яхшилик, ихтиёр эркинлигидан дарак беради.

Аллоҳ билан бўлган муножотнинг охирида ушбу пурмаъно табриклар, саловотлар ва саломлар ила борлиқдаги барча мавжудотларни эслаш ажойиб бир файзу футуҳ касб этади.

Охирида калимаи шаҳодат келишига изох бериб ўтирмаса ҳам бўлади.

«Сўнгра нимани хоҳласа, шуни сўрашни ихтиёр қилсин».

Ушбу жумлага амал қилиб жумхур уламолар, намоз охирида намозхон дунё ва охират ишларидан нимани хоҳласа, сўраши жоиз, деганлар.

Абу ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи:

«Фақат Қуръон ва суннатда келган дуоларни қилиш жоиз», деганлар.

Манба: hadis.islom.uz

